**Ушбу сонда:**

2 *Ислоҳот инсон учун* АЁЛЛАР ИШ ВАҚТИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

3 ОРОМБАХШ ШИФО МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

4 *Касаба уюшма спорти* СПАРТАКИАДА ҚУВОНЧИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 16 июн, жума №86 (918)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТОҒЛИ ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛМОҚДА

Қишлоғимизнинг табиати гўзал. Кўз илғамас кенгликлар, вуқорли тоғлар ажиб бир салобат бахш этган. Мустақиллик шарофати, Президент ҳаётбахш фармонлари шарофати билан она қишлоғимиз чирой очмоқда. Бизнинг булоқ сувларимизга, одамларимиз истеъдоди, меҳр-оқибатлилигига кўпчилик ҳавас қилади.

Шундай бўлса-да ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. 12 минг аҳоли истиқомат қилаётган тоғли қишлоқ 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида назардан четда бўлди. Газ, ичимлик суви ҳақида гапириш қулгили эди.

Мана энди орзуларимиз бирин-кетин ушалмоқда. Аҳоли илтимоси инобатга олиниб ичимлик сув масаласи ҳал бўлаяпти. Бунинг учун Қўшчинор булоғидан 6 километрлик сув қувури тортилиб, 5 қишлоқ оби ҳаётдан бахраманд этилди. Ҳукуматимиз бунинг учун катта маблағ сарфлади. Буни яхши тушунган меҳнатчилар меҳрибончиликка деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш билан жавоб берамиз дейишмоқда.

**Хосият АЛИҚУЛОВА,**
**Китоб туманидаги Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

# ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**ДУШАНБЕ, 15 июн. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:**

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди.

Тожикистон президентининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ва бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг музокараларида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзолади.

Ислом Каримовнинг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**

## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ

Қибрайда Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази иш бошлади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ туман марказий касалхонасига қарашли уч қаватли бино ажратиб берилди. Марказ ҳашар йўли билан таъмирланиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Айни пайтда марказда ташхис қўйиш, даволаш ҳамда реабилитация бўлимлари мавжуд. Бу ерда бир йўла 50 нафар бемор тажрибали шифокорлардан малакали шошилинч тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ДАЛА ЗАВҚИ

Ҳозир бободеҳқон учун айни тиғиз пайт. Қишлоқ далаларида иш жуда қизғин. Бир томонда ғалла ўрим-йиғими авж паллага кирган бўлса, яна бир томонда ғўза парвариши жадал олиб борилмоқда.

Каттақўрғон тумани меҳнаткашлари жорий йилда 13200 гектар майдонда чигит ва 7900 гектар майдонга ғалла экканлар. Каттақўрғонликлар бу йил 37000 тонналик пахта хирмонини яратиш мақсадида астгойдил меҳнат қилишмоқда.

Маълумки, туман пахтачилик борасида вилоятда энг катта карвон ҳисобланади. Шу боис, мўл ҳосил илинжида бўлган деҳқонлар ғўза парвариши учун зарур бўлган маъданли ва органик ўғитларни ўтган йилиёқ жамғариб қўйишган эди. Ёш олим Роберт Ким томонидан яратилган «Омад - Каттақўрғон» эртапишар пахта нави айни пайтда туман далаларида синовдан ўтказилмоқда. «Омад - Каттақўрғон» навининг 2300 гектар ерда парваришланаётганлиги янги навга бўлган ишончнинг юксаклигидан далолат беради.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, Улуғбек номли хўжаликда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган 38 хилдаги ғўза навлари синовдан ўтказилмоқда. Шу кунларда туманнинг Элмурод Қурбонов номли, Навоий номли, Улуғбек номли хўжаликларида вилоятда биринчи бўлиб ғўзалар гул кўрсатди.

Ғаллазорларда ҳам ҳаёт қайнаяпти. Етиштирилган ҳосилни 8 та «Кейс» ва 72 та Россия комбайнлари ўрмоқда. Бу йил туман ғалла майдонларининг 2000 гектарига «Сангзор», 5000 гектардан зиёд майдонга эса «Улуғбек - 600» ва 2000 гектарига «Деметро» навли буғдой уруғи сепилган эди. Айни кунларда каттақўрғонлик ғаллакорлар 34000 тонналик «қирмизи дон» хирмонини уйиш ниятида қизғин меҳнат қилмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 21000 тоннаси давлатга топширилади.

Хуллас, заҳматкаш деҳқонлар меҳнати зое кетаётгани йўқ. Хирмон донга, тандир нонга тўладиган фурсатлар етиб келди.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Суратларда: 1. Ғўза қатор ораларига сув таралмоқда. 2. Эломон Курбонов номли жамоа хўжалигининг илғор ишчилари Гулбаҳор Эргашева ва Шаҳло Эргашевалар.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Дилларга ором, завқ-шавқ бағишловчи қуй-қўшиқлар инсонларни мудом яхшиликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундайди. Зотан, Ватанни мадҳ этувчи болалар қўшиқ байрамлари мунтазам ўтказиб турилиши анъанага айланаётгани ҳам бежиз эмас. Муҳими, бу изсиз қолмаётир. Танловларда энг яхши деб топилган қирқта янги қўшиқ алоҳида китоб шаклида чоп этилиб, кутубхоналарга, мактаблар, коллеж-лицейларга ва бошқа болалар муассасаларига тақдим этилмоқда.***

# БОЛАЛАР ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Яқинда қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида мамлакатимиз мустақиллиги ва озодлигининг тўққиз йиллиги олдидан анъанавий 5-болалар қўшиқ байрами бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан жами 500 мингдан ортиқ болалар қатнашди. Янги-янги истеъдодлар кашф этилди. Фарзандларимиз севиб ижро этадиган, улуғ Ватанимизни, меҳнаткаш халқимизни, буюк аждодларимизни тараннум этувчи таъсирчан қўшиқлар яратилди.

Тарихий воқеалар гувоҳи бўлган Регистон майдони қўшиқ шайдолари бўлган болалар, меҳмонлар, устозлар, байрам ташкилотчилари билан тўлган. Шаҳар узра оқшом қўнган паллада қалбларимизга руҳий кўтаринкилик, куч-қувват бағишловчи мадҳиямизнинг тантанавор садолари янгради. Қорақалпоғистон, барча вилоятлардан келган болалар оёққа қалқди.

Саҳнага бирин-кетин кириб келган хор жамоалари, дасталар, хонандалар, раққосалар Ватан, мустақиллик, ёшлик мавзуидаги тароналарни моҳирона ижро этиб, ҳаммани хушнуд этдилар. Республика ўқувчилар саройининг «Юлдузча» дастаси ҳамда хор жамоаси «Биз — мустақиллик болаларимиз» қўшиғи билан байрам концертини бошлаб бердилар. Андижон вилоятининг болалар хори, Қорақалпоғистон болалар уйи тарбияланувчилари, оққўрғонлик қўшиқ шайдоларининг чиқишлари томошабинларга манзур бўлди.

Қўшиқ байрами муваффақиятли ўтди. «Ўзбек бола — зўр бола», «Ўзбек элим» қўшиқларини байрамнинг барча қатнашчилари кўтаринки руҳда ижро этдилар. Кези келганда, қўшиқ байрамини тайёрлашда ва уни муваффақиятли ўтказишда Республика ўқувчилар саройи директори О.Иброҳимова, таниқли режиссёр Б.Сайфуллаев, байрам бош хормейстери М.Убайдуллаева, бош балетмейстер Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н.Мадраҳимоваларнинг қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қўшиқ байрамининг якунловчи танловида фахрли биринчи ўринни Самарқанд ўқувчилари ва Тошкентдаги «Ором» болалар боғча-лицейи тарбияланувчилари, иккинчи ўринни хоразмлик ўқувчилар, учинчи ўринни навоийлик болалар эгалладилар.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган болалар Самарқанднинг тарихий обидалари ва буюк аждодимиз Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар.

Келажакда болалар қўшиқ байрамини халқаро миқёсда ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Мирза Анвар КАРИМОВ.**

## ОРОМГОҲДА 300 ЎҚУВЧИ

Қизилтепа туманидаги агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига қарашли «Дўстлик», «Нимкон», «Наврўз» оромгоҳлари бир йўла 300 ўқувчини қабул қилди. Шинам ва соя салқин соғломлаштириш масканлари вилоят санитария-эпидемиология станцияси ходимларини ҳам мамнун этди. Бу ерда сауна, душ, сузиш бассейни, футбол майдони, маданий тадбирлар, тиббий кўрик ўтказиш хоналари мавжуд.

— Бу йил оромгоҳларда 4 босқичда 1200 бола дам олиши режалаштирилган, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси Даврон Воҳидов. — Улар туманимиз хўжалик, корхона ва ташкилотлари ишчи-хизматчиларининг фарзандларидир. Шунингдек, Навоий шаҳридан боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг болалари ҳам мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

***Соғлом авлод йилида келажагимиз ворислари бўлган болажонларимизнинг ёзги дам олишларини ҳар качонгидан намунали ўтказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Буни тўғри англаган Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими раҳбарияти билан эзгу ишларни бошлаганмиз. Мавсумда 400 нафар ўқувчиларимизни туманимиздаги А.Навоий номли, С.Айний номли ҳамда 5- ва 25-умумтаълим ўрта мактаблари қошида ташкил этилган оромгоҳларда дам олдираяпмиз.***

Бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилган. Мактаблар қошидаги оромгоҳлар шу йилнинг 20 июн куни оромгоҳлар ўртасида бўлиб ўтадиган туман биринчилигида иштирок этадилар. Ғолибларга эсдалик совғалар ва пул мукофотлари таъсис этганмиз.

Оромгоҳларга Салим Саидов, Алихон Бакиров, Нурали Мавлонов, Гулчеҳра Ибодова сингари тажрибали устозлар жалб этилган. Ҳар бир дам олиш маскани тиббий ходимлар, малакали ошпазлар билан таъминлангани ва ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун энг муҳим шароитлар яратилгани ўғил-қизлар қувончига-қувонч қўшмоқда.

**Соат СУЮНОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари Қумқўрғон туман касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Ёз - ўтмоқда соз*

## СЎЛИМ ТАБИАТ БАҒРИДА

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши тасарруфидаги «Сумча» оромгоҳи хоразмлик 500 нафар ўғил-қизни бағрига олди. Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш ва уларни соғломлаштириш учун яратилган шарт-шароитдан болалар ҳам, уларнинг тарбиячилари ҳам мамнун.

Вилоятда ёз пайтлари экологик нобоп ҳудудлардан ташриф буюрган болаларнинг ёзги таътилини ташкил этиб бериш яхши анъанага айланган. Эътиборлиси шундаки, бу гал улар турли оромгоҳларга юборилмай фақат битта - Паркент туманидаги сўлим табиат қучоғида жойлашган «Сумча» оромгоҳида жойлаштирилди. Мавсум давомида бу ерда хоразмлик бир ярим минг нафар ўқувчи кўнгилли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

## БЕРУНИЙ ҒАЛЛАСИ

Беруний тумани деҳқонлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини бажарди. Қабул пунктларига 2800 тонна сара дон топширилди. Оролбўйининг деҳқончилик учун ноқулай шароитида ҳар гектар майдондан ўртача 36 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлинди.

Эришилган ютукда «Олтинсой», «Бийбозор», «Шоббоз», «Гулистон», «Қиётобод» ва Жуманиёзов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор.

- Иқлимбоп нав танлангани, деҳқонларга эркинлик яратиб берилгани мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омили бўлди, - дейди туман ҳокими О.Жуманиёзов. - Асосан «Купава», «Дмитров» навли буғдой уруғлари экилди. Мавжуд 14 та «Класс» русумли комбайнлар самарали ишлатилди.

Беруний ерликлар энди ўримга киришилган майдонлардан олинадиган ғалла ҳосилининг яна ярим минг тоннасини давлатга сотишга қарор қилишди. Айни пайтда экиндан бўшаган майдонларга пешма-пеш озуқабоп экинлар экиляпти.

*«Ишонч» фош этади*

***Хаётда эътиқодли, Ватан, халқ олдидаги бурчини чуқур ҳис этадиган, юрт корига яраш учун ўзини аямай ишлайдиган ажойиб инсонлар жуда кўп. Худди ана шу омилкорлик, яхши фазилат туфайли бозор муаммоларини муваффақиятли ҳал этиб ўзига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтираётган кишилар ҳақида фахр билан гапирамиз. Афсуслар бўлсинким, ҳали орамизда оз бўлса-да умрида бирон ишни қойил қилмаган, жонини қийнамай хирмонда ҳозир бўладиганлар ҳам топилади. Бундайлар орасида тоғни урса талқон қиладиганлар топилади. Бироқ, виждонини ютган кимсалар ўзларини ногирон, меҳнатга лаёқатсиз қилиб кўрсатишга уринадилар. Қаранг-ки, уларни қўллаб-қувватлайдиган ҳомийлар ҳам топила қолади.***

# СОХТА НОГИРОНЛАР

Улардан бири эллик ёшга бориб қолган. Илгари колхозда мавсумий ишларга қатнашиб юрарди. Лекин касалхонада ётиб даволанганини, оғирроқ дардга чалинганини билмайман. Яқинда уни маҳалла қўмитаси ёнида учратиб ҳайрон бўлдим. Ёнимдаги шеригимдан бунинг сабабини сўраганимда у энсаси қотиб: «Бу киши моддий ёрдамни ундирмасдан қўймайди. Бироқ, бундан ташқари, яхшигина ногиронлик нафақаси ҳам олади», — деб қолди.

— Қандай қилиб, ҳали ёш-ку?!

— Э, тиббий кўрикдан ўтказадиганлар билан келишганда.

Минг афсуски, ҳамроҳим ҳақ эди. Лекин, мен аслида ногирон бўлмаган, лекин ёнида 2 ёки 3-гуруҳ ногирони деган муҳрли ҳужжат билан юрган баъзи кишиларнинг «тадбиркор»лигидан таажжубга тушмадим. Ёки соппа-соғ одамларни касалга чиқариб, уларга ногиронлик нафақасини тайинлаётган шифокорлардан ҳам ажабланганим йўқ. Чунки, виждонини сотиб пул орқали ишни битиришни кўзлаган одам порахўрга дуч келса, у билан тил топишиб кетади. Бироқ мени бошқа нарса ўйлантиради. Улар наҳотки ўзларини шунчалик пастга уришса?!

Қишлоғимизда Облоқул бобо деган қария бор. Отани баъзилар хуш кўрмайди. Сабаби битта — у тўғри гапиради. Тўғри гап эса гоҳида туққанингга ҳам ёқмайди. Облоқул бобо урушда бўлган. Лекин ҳанузгача нафақа олмайди. Унга нафақа тайинлашганда бундай пулни олишдан бош тортган. Бир куни ундан бунинг сабабини сўраганимда:«Эй, болам, менку ёмон яшамаяпман. Аллоҳга шукур, шу пулни ночорроқ одам олсин дегандирман-да», деб жавоб берди. «Бу нафақа пули Сизга урушда қилган хизматингиз учун берилаяпти - бу ҳалол» дея минг бора уқтиришган. Лекин ота «Мен хизматни ўзим учун эмас, Ватан учун қилганман» - деган жавобни айтиб яна рози бўлмаган экан.

Албатта, Ватан тушунчасини бу қадар улуғ деб билган, Ватанга қилган хизматлари учун бир нарса кутмайдиган бундай ажойиб одамлар орамизда бор. Аммо она юртига, халқига тузукроқ меҳнати сингмай фақат давлатдан нимадир ундириш пайида бўлаётган, тўрт мучали соғ бўла туриб сохта ногирон бўлиб олган кимсаларга жуда ҳайронман. Уларга ачинаман.

Шу ўринда:«Э, бу гапни бизга айтаяпти-ку, айтадиган бўлса исботлаб гапирсин-да» дегувчилар учун бир-икки мисол келтириб ўтмоқчиман.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида М. Улуғбек тумани тиббий кўрикдан ўтказиш шифохонаси бош шифокори М.Элчибоев хизмат хонасида Мусобақа кўчаси, 3-уйда яшовчи Х.Қосимовни 3-гуруҳ ногиронлигидан 2-гуруҳ ногиронлигига ўтказиб бериш эвазига ундан 10 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида ушланди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида С.Азизов номли дам олиш оромгоҳи шифокори О.Азимов Фарғона шаҳар Бурса кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган К.Аҳмедовага ногиронлик ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига ундан 30 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида фош этилди.

Энди айрим мансабдор шахсларнинг болалар нафақасини ноқонуний тўғрилаш ёки кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулини беришда жиноий ҳолатлар содир этганлигига оид мисолларни келтириб ўтсак.

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида туман ижтимоий ҳимоялаш бўлими катта инспектори Э.Турдибеков «Оқ олтин» хўжалигида яшовчи уй бекаси Ж.Пайғамовадан унинг фарзанди учун 1999 йил ҳисобидан нафақа пулини олишда ёрдам бериш эвазига ундан 10 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида қўлга тушди.

Қисқа қилиб айтганда, балойи нафс қулига айланиб, эшикдан кирган кишининг қўлига қарайдиган, бир ишни бажариб беришни сўраса ўн кун сарсон қилиб, охири пул бермаса натижа бўлмаслигига шаъма қиладиган, пировардида эл-юрт олдида шарманда бўладиган бундай кимсалардан Яратганнинг ўзи асрасин.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ.**

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

# МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАСИ

***Касаба уюшма аъзоларининг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий билимларини ошириш фаолиятимизда муҳим ўрин тутади.***

***Биз биринчи навбатда Марказий Қўмитанинг маънавият ва маърифат бўйича Дастурини кенгайтирилган раёсат йиғилишида кўриб чиқиб, шу асосда тегишли тадбир ишлаб чиқдик ва уни туман кенгашларига етказдик.***

Изчиллик, ҳамжиҳатлик натижасида бу борада бирмунча ишлар қилинганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Масалан, «Пахтабанк» вилоят бошқармаси касаба уюшма ташкилоти ва маъмурият жамоа шартномасига маънавият ва маърифат бўлими ташкил қилиш масаласини биринчилар қаторида киритдилар. Натижада қисқа вақт ичида шу мақсад учун мўлжалланган хона жиҳозланди. Ҳозирги кунда 20 га яқин кундалик вақтли нашрлар, Президентимиз асарлари, шунингдек, маънавият ва маърифатга доир китоблар жой олган хона кўпчилик хизматида. Бу ерда касаба уюшма ташаббуси билан ҳар ҳафтада иқтисодий ўқиш билан биргаликда маънавият ва маърифатга оид мавзуларда суҳбатлар ўтказилади, савол-жавоб кечалари ташкил этилади. Олимлар, ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилмоқда. Бундай мисолларни вилоят молия бошқармаси «Ғаллабанк» бўлими, Учқўрғон туман солиқ инспекцияси каби ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги вақтларда ушбу масала бўйича вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси, вилоят маънавият ва маърифат маркази, Наманган шаҳар суди ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бошқача айтганда, улар билан шу йўналишда қўшма тадбир тузиб, иш юритяпмиз. Ана шу ҳужжатлар асосида 40 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Уларда тармоқ касаба уюшма тизимига кирувчи туман ташкилотларимиз раҳбарлари, бошланғич ташкилот қўмиталари раислари, ходимлар, бўлим мудирлари, ташкилот, корхона, муассаса жамоалари, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этдилар. Ҳар бир учрашув охирида йиғилганлар томонидан тушган кўплаб саволларга жавоблар қайтарилди. Хусусан, Тўрақўрғон, Косонсой туманлари касаба уюшма фаоллари ва ташкилотлар раҳбарлари, Наманган шаҳар «Гўзал» маҳалла қўмитаси вакиллари, вилоят «Саноатқурилиш» банки ходимлари билан бўлган учрашувлар қизғин мунозаралар остида ўтди.

Вилоят қўмитамиз бунда ҳуқуқ маърифати соҳасини устувор йўналиш деб ҳисоблаб, унга кўпроқ аҳамият қаратмоқда. Ўтказилаётган тадбирларда вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқ маърифати бўлими мудири О.Нуриддинов, шаҳар суди раиси Э.Бурхонов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Ю.Юсуповлар айниқса, фаол қатнашмоқда. Шунингдек, жойлардаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари мутахассислари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бу билан биз ижтимоий шерикчилик тамойилларининг қарор топиши, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлашда касаба уюшмалари ролини ошириш, жамиятда барқарорликни таъминлаш, давлат идоралари билан ҳамкорликни, ўзаро алоқаларнинг энг мақбул усуллари ва йўлларини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳаракатларимиз касаба уюшма фаолиятини тарғиб қилишга кўмаклашибгина қолмай, жойлардаги долзарб муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга ҳам туртки бўлмоқда, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Яқинда қўмитамиз жойларда ушбу масалага қандай эътибор берилаётганлигини ўрганиб чиқди. 65 фоиз бошланғич ташкилотда маънавият ва маърифат хоналари ёки бурчаклари борлиги, аммо ҳаммасида ҳам мавжуд манбалардан самарали фойдаланиш, ҳужжатларни юритиш талабга жавоб беравермаслиги маълум бўлди. Бунга «Тадбиркорбанк» агросуғурта тизими касаба уюшма ташкилотларини мисол тариқасида келтирса бўлади. Биз аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан тегишли тавсияларни бердик. Кези келганда касаба уюшмаларида маънавият ва маърифат тарбияси масалалари бўйича ҳали етарли тажриба тўпланмаганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Хуллас, бугунги кун талаблари касаба уюшмаларидан ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилашни тақозо этмоқда. Шу ўринда 2-3 тармоқ вилоят қўмиталарига хизмат қиладиган ҳуқуқшунос лавозими жорий этилиб, у давлат ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан молиялаштирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Мираббос ЖАЛИЛОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитасининг раиси.**



Сардоба пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили Оқолтин тумани хўжаликларида етиштирилган пахта қабул қилиниб, қайта ишланиб юқори сифатли тола олишга эришилди.

Айни кунларда бу йилги ҳосилни қабул қилишга ҳозирлик кўрилаяпти.

Бунинг учун ишлаб чиқариш ускуналарини қайта таъмирлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

***Суратда: Бош механик Баҳодир Асқаров ҳамда пайвандчи Улуғбек Асқаров.***

*Ислоҳот инсон учун*

# АЁЛЛАР ИШ ВАҚТИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Қизириқ тумани савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида 82 нафар ходим ишлайди. Шундан 29 нафари аёллардир. Ҳиссадорлик жамияти 1999 йилги товар ишлаб чиқариш айланмасини 300 миллион сўмга етказган эди. Бу йилнинг I-чораги режаси ҳам ошириб бажарилди.

Жамиятда ишлаётган аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Маъмуриятнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси билан тузган жамоа шартномасига биноан, байрамларда ҳар бир ишловчига 3000 сўмдан пул мукофотлари бериб келиняпти. Соғлом авлод йили муносабати билан аёлларнинг иш вақтлари 2 соатга қисқартирилди. Уларнинг меҳнат таътилларига иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча 3 кун таътил берилмоқда.

— Биз аёллардан 14 нафаримиз турли санаторийларда дам олдик. Фарзандларимизга эҳтиёжга яраша болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратилди. Ҳиссадорлик жамиятимиз ўз ҳисобидан «Гиламбоб» жамоа хўжалигидаги 30-умумтаълим ўрта мактаб ўқувчиларига 40 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берди... Соғлом авлод йилида биз аёлларга кўрсатилаётган меҳрибонликдан мамнунмиз, — дейди жамият ишчиси А. Алланазарова.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ибрат*

# ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Соғлом авлод йилида республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари бу муҳим ишни ўз фаолиятларининг асосий йўналишларидан бири қилиб олишган. Қуйидаги хайрли иш ҳам мақсадга эришишда муҳим рол ўйнайди.

Яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва республика Халқ таълими вазирлиги Раёсат ва Ҳайъатининг қўшма қарорини тасдиқладилар. Мазкур қўшма қарор Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ўқувчи-ёшларни спорт билан ошно этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадларига хизмат қилади.

**И.АБДУҒАНИЕВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси.**

# МОДДИЙ РАҒБАТ

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Туманимизда ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, «Нурота» ширкат хўжалигида ижтимоий ҳимоя мақсадларига 8 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Айниқса, жамоа шартномаси асосида ҳар бир ишловчига 20 иш куни миқдорида ёрдам пули ажратилаётгани одамларда ишга иштиёқ ва рағбат уйғотмоқда.

Мазкур хўжаликда мусобақа якунларига асосан илғорлар доимо рағбатлантириб борилади. Жумладан, қўзилатиш мавсуми илғорлари видеоиккилик ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Оналик ва болалик муҳофазасига ҳам катта эътибор берилиб, 83 нафар ишловчи аёл меҳнати шарафланди.

Бу хайрли тадбирдан Файзулла Хўжаев номли, «Қизилча» ширкат хўжаликлари ҳам четда қолмаётир. Масалан, «Қизилча» хўжалигида шу йил илғорларга 53 бош қўзи, шунингдек, 255 минг сўмлик товар маҳсулотлари берилди.

**Исомиддин ҚЎШМУРОДОВ,**
**«Нурота» туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

# ШИРКАТ МУАММОЛАРНИ ЕЧЯПТИ

Кейинги йилларда ўзўзини бошқариш идораларига берилаётган қатор ваколатлар жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳал этилишига омил бўлаётир. Хусусан, яқин-яқингача шаҳардаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аксарият фуқаролар уй-жойлари томидан чакка ўтиши, канализация қувурлари носозлиги, подъезд йўлкаларининг нураб ётишидан азият чекардилар. Кўп қаватли уйлардаги бундай муаммоларга кўпинча ЖЭК деб аталмиш уй-жойдан фойдаланиш идоралари фаолиятида учрайдиган бошбошдоқлик сабаб бўлар эди. Эндиликда коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ўз зиммасига олаётган қатор маҳаллалар аҳли бундай асаббузар муаммолардан холис бўлишмоқда.

— Юнусобод туманида жойлашган «Наврўз» маҳалласи таркибида 76 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларга коммунал хизмат кўрсатишни, мана, бир йилдирки, «Дўстлик» уй-жой мулкдорлари ширкати амалга ошириб келаётир, - деди шу маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Марҳамат Алимбоева «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. - Қисқа давр ичида ертўла қувурлари тўлиқ ва жорий таъмирдан чиқарилди, подъезд-йўлаклар оқланиб, барчасига чироқлар ўрнатилди. Носоз лифтлар ширкат томонидан таъмирланди.

Уй-жой мулкдорлари ширкати тузилганидан кейин мавзеда истиқомат қилаётганларнинг турар-жойлардан фойдаланганлик учун ҳақларни вақтида тўлашларига ҳам эришилди. Ҳар бир хонадонда газ, иссиқ-совуқ сув сарфини ўлчайдиган ҳисоблагичлар ўрнатилган.

# ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

«Бухоро-нон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида режадаги 18 миллион сўмлик ўрнига 20 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари: чунончи, 5117 тонна нон, 98 тонна қандолат, 1352 тонна макарон ишлаб чиқарди.

— 500 нафар ишчидан таркиб топган жамоамиз 32 турдаги нон, 8 турдаги макарон ва 20 турга яқин макарон маҳсулотларини замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, — деди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда корхона раҳбари Мансур Восиев. — Германиянинг «Винклер» ва Россиянинг «Русская трапеза» фирмасидан келтирилган серунум дастгоҳлар иш суръатига суръат қўшмоқда.

Корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш 1999 йили амалдаги нархларда 206 миллион 996 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилда 390 миллион 645 минг сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 80 фоизни ташкил этяпти.

Биз келгусида бундан-да яхшироқ, намуналироқ фаолият кўрсатиш, хорижий илғор технологияларни корхонамизга жалб этиб, ҳамкорликнинг янги-янги қирраларини кашф этаверамиз. Зеро, ҳамкорликда ҳикмат кўпдир, — деди пировардида М.Восиев.

# ИҚТИДОРЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Нукус шаҳридаги «Прогресс» чет тилларни ўрганиш марказида ногирон болалар орасида «Рангбаранг бўёқлар оламида» танлови ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Республика ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда «Соғлом авлод йили»га бағишлаб ўтказган мазкур танловда Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шаҳарларидан 50 нафардан ортиқ болалар иштирок этдилар.

Танлов натижасига кўра Мўйноқ туманидан Ажиниёз Алимуханов биринчи, Амударё туманидан Азиза Йўлдошева ва Чимбой туманидан Тўлғаной Дўстжоновалар иккинчи ўринни эгаллашди. Улар шу йилнинг август ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган танловга йўлланма олишди.

— Бу танлов ногиронлар орасида иқтидорли болалар сероб эканлигини кўрсатди, — деди Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлар жамиятининг раиси Тожигалий Хўжамуродов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Танловга республикамиздан 50 дан зиёд меҳнат жамоаси ҳомийлик қилиш истагини билдирди. Бу мамлакатимизда ногиронларга меҳрибонликнинг яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради.

# БУНИ РАҚОБАТ ДЕСА БЎЛАДИ

Анчадан буён автобус ҳаракати камайиб, шахсий таксилар ғизиллаб қатнаб турган Термиз шаҳри кўчаларида давлат белгили «Дамас» машиналари пайдо бўлди. «Сурхондарётранс» бирлашмаси Асакабанкнинг Термиз филиалидан кредит олиб 30 та «Дамас» харид қилди. Яп-янги «Дамас»лар аввалги автобус йўналишлари бўйлаб қатнай бошлаганидан аҳоли мамнун.

Шу пайтгача шаҳар кўчаларини эгаллаб, нархни ҳам ўзлари истаганича белгилаётган «Яшил чироқ», «Саховат» каби уюшмалар эса нархни туширишга мажбур бўлмоқда. Чунки энди шаҳар транспорти бозоридаги нарх-навони раҳбарлар эмас, рақобат белгилаётир.

# ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ногирон болаларни реабилитация қилиш ва интеграциялаш "КРИДИ" Тошкент клубининг фаолияти нафақат мамлакатимизда, балки хорижий жамоатчилик ташкилотларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармасида мазкур клубга Американинг "Каунтерпарт Интернешнл, Инк" кўнгилли ташкилоти юборган инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди.

"Каунтерпарт Интернешнл, Инк" бу каби хайрия тадбирларини дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам ўтказмоқда. "Соғлом авлод учун" жамғармасига умумий қиймати 65 минг АҚШ долларига тенг бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Мурувват ёрдами жамғарманинг вилоят бўлимларига олис туманларда яшовчи кўп болали ва камхарж оилаларга тарқатиш учун жўнатилди. Озиқ-овқатларни етказиб бериш ишлари билан "Соғлом авлод учун" жамғармасининг тиббий-ижтимоий хизмати ходимлари шуғулланади.

*Жиноятга жазо муқаррар*

# БОЗОРДАГИ ЎҒРИЛАР

***Гўзал ҳаётимизда бахтга карши бўлса-да, текинхўрлар ҳам учраб туради. Булар асосан фирибгарлик, товламачилик, ўғрилик, талончилик билан шуғулланувчи кимсалардир. Мамлакатимизда бундай салбий ҳолатларга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, жиноятларни ўз вақтида очиш имконини бермоқда.***

Қуйида қайд этилаётган жиноят турлари асосан катта бозорларда содир этилган. Бунинг сабаби бозорлар ҳудудида кўплаб пул маблағларининг айланишидир.

Пойтахтимиздаги «Отчопар буюм бозори» ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ҳудудида ташкил этилган милиция патрул пости хизмати бир неча кишидан ташкил топган бўлиб, асосий мақсади шу пост пост-йўналиши бўйича фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, турли кўринишдаги жиноятлар, қонунбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир. Бу ишда милиция ходимлари «Отчопар буюм бозори» маъмурияти билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Шу йил 5 май куни эрталаб Бектемир туманидаги Янгилик даҳасида истиқомат қилувчи Людмила Любимова кийим-кечак харид қилиш учун шу бозор ҳудудига кираётган пайтида унга забардаст йигит куч билан ташланиб, бўйнидаги олтин занжирни юлиб олиб қочади. Жабрланган Людмила атрофидагиларни ёрдамга чақиради. Орадан кўп ўтмай патрул пости жиноят қидирув бўлими тезкор вакили Исмоил Қамбаров, профилактика нозири Арслон Ёқубов, пост навбатчиси Шавкат Рамазонов етиб келадилар. Кўрилган тезкор тадбирлар туфайли ўғри қўлга олинди. Суриштирув пайтида бу жиноятни 18 ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган Маҳмуд Саримсоқов содир этганлиги аниқланди. Сирғалилик бу талончи ўз қилмишларига тўла иқрор бўлди. Олтин занжир эса ўз эгасига қайтарилди.

24 май куни Ойжон Усмонова уй-рўзғор анжомлари харид қилиш мақсадида бозорга келаётганида бакувват йигит унинг йўлини тўсиб оёғи билан чалади ва қўрқувдан гангиб қолган аёл бўйнидаги олтин занжирни юлиб қочади. Яхшилар яқин жойдаги милиция постига хабар бердилар. Зудлик билан кўрилган ҳаракатлар, амалий тадбирлар натижасида кисовур тўрга илинди. Талончи қўлга тушаман деб сира ўйламаган экан. Тергов жараёнида у 1982 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Маҳмуд Мирзаалиев эканлиги маълум бўлди. Оғирлиги 20 гр., баҳоси 200 минг сўмлик заргарлик буюми ўз эгасига қайтарилди. Қўли эгри, шум ният Мирзаалиев устидан жиноий иш қўзғатилди.

Бозор ҳудудидаги пулли автоуловлар қўним жойида турган «Камаз» русумли, давлат рақами 19 С-82-56 автоуловидан умумий баҳоси 173 минг сўмлик 8 дона аудио-видеомагнитафон ўғирланганлиги ҳақида милиция постига Денов туманилик Зокир Мамажоновдан ариза тушди. Содир этилган мана шу ўғирлик юзасидан суриштирув ишларини олиб борган жиноят қидирув бўлими ходимлари ушбу жиноятни очдилар. Жиноятни бекободлик Қобил Аширбоев, янгиерлик Ойбек Умарқулов ва Фарғона туманилик Раим Шодмоновлардан иборат уюшган жиноий тўда содир этганди.

Улар Жиноят Кодексининг 118-модда 1-қисми билан айбланиб, муносиб жазога тортилдилар.

Муборак Умарова муштипар она. У пешона тери эвазига йиққан пулларига бола-чақасига кийим-бош олиш учун «Отчопар»га келди. Шунда бир йигит гапга тутиб, уни-буни сўраган бўлди. Муайян вақт ўтгач, аёл 9000 сўм пулини ўғирлатганини сезиб, ўзини йўқотаёзди. Бахтига милиция ходимлари ўғрини тутиб келтирдилар. Бировлар ҳисобига кун кўришга ўрганган, эгриқўл Фарҳод Қўчқоров энди минг бора тавба-тазарру қилиб, кўз ёш тўкмоқда.

Инсон боласини билиб бўлмас экан. Салоҳиддин Таласовни Зангиотада кўпчилик танийди. Лекин ҳеч ким унинг бозордаги «фаолияти»дан хабардор эмас экан. Бу инсофсиз Қозоғистоннинг Чордарё туманидан келган тадбиркор К.Турисбекованинг 100 минг сўмлик молларини ўмариб кетганида кирдикори фош бўлди. Энди у одил суд олдида жавоб бермоқда.

Биз ҳикоя қилаётган бозордаги милиция патрул пости хизмати жамоаси милиция подполковниги Аъло Умаров раҳбарлигида тадбирларни изчил амалга оширмоқда. Уларнинг таъкидлашларича, жабр кўрганлар нохуш ҳолатлар юзасидан тегишли жойга ўз вақтида хабар қилсалар, жиноятчиларни тўрга тушириш осон кечарди. Бахтга қарши кўпгина ҳолларда фирибгар, ўғрининг дўқ-пўписасидан чўчиб, индамайдилар, чув тушиб қолаверадилар. Масалан, номаълум шахслар тадбиркор Марҳамат Рўзиеванинг 306 минг сўм пулини ўғирлаб кетишганини ўн кундан кейин маълум қилишди. Ана энди эгриқўлларни топиш қийин бўлмоқда. Темирни қизиғида босиш керак, деган нақл бекорга айтилмаган.

Милиция жамоаси йил бошидан буён «Пойтахт», «Қидирув», «Тозалаш», «Тун», «Гиёҳванд» каби тадбирларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Пировард-натижада ўғрилар, кўзбўямачилар йўлига тўсиқ қўйилмоқда.

**Малик НУРИДДИНОВ,**
**журналист.**

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларини яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан қутлаб, уларга эзгу ниятларни изҳор этади.

*Барчангизга жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатингиз баракали, кайфиятингиз аъло, оилангиз бахтли-саодатли бўлсин, деймиз!*



**Республика фуқароларининг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган оромбахш шифо масканларимиз доимо мунтазир!**

*Касаба уюшма спорти*

# СПАРТАКИАДА ҚУВОНЧИ

Сўлим табиат ва пурвиқор тоғларга ёндош шаҳар шу куни янада ёшариб кетгандек бўлди. Зеро, Чирчиқдаги «Олмос» ўйингоҳида «Соғлом авлод йили»га бағишланиб енгил, мебел саноати ва коммуналмаиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси ташкил этган спартакиада ғоят қизиқарли ўтди.

Ўндан ортиқ корхона ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари бу спартакиадага катта тайёргарлик билан келишди. Ва буни амалда исботлашди ҳам.

Фурсатдан фойдаланиб, аёллар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақа иштирокчиси «Чирчиқсувоқова» касабақўм раиси Насиба Бековани суҳбатга тортамиз.

— Иккинчи йилдирки, спартакиадада қатнашаман, - дейди у. — Айтиш жоизки, кўпнинг бошини қовуштириб шундай тадбир ўтказишнинг ўзи бир савоб. Чунки у одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди, ўз ишидан, жамоасидан фахрланиш туйғуларини жўш урдиради. Дарвоқе, мусобақалар қизғин курашлар остида ўтганлигини томошабинлар ҳам эътироф этдилар.

Мини футбол бўйича биринчи ўрин Чирчиқ коммунал хизмат бошқармаси командасига насиб этган бўлса, стол теннисида Тошкент вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси мукаммал қурилиш бўлим бошлиғи С.Жармаханов, аёллар ўртасида эса Чирчиқ иссиқлик манбаи ходимаси А.Нам ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар. Шахмат баҳсларида Тошкент вилояти ҳудудий «Иссиқлик манбаи» Қизилтоғ участкаси бошлиғи Э.Норов, аёллар ўртасида эса Тошкент вилоят газ бошқармаси корхоналаридан вакил бўлиб келган Н.Абдиқодирова ғалаба қозондилар. Шашкачилар ўртасида Н.Жармахановга, аёллар ўртасида «Чирчиқсувоқова» ходимаси А.Халиловага тенг келадиган топилмади. Оилавий мусобақаларда «Чирчиқсувоқова» ишчиси У.Қуранбоевлар оиласи энг яхши тайёргарлик кўрганликларини исботладилар.

Фахрли ўринни эгаллаган ғолибларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

**Эркин Норов:**

— Азалдан шахмат ишқибозиман. Ғалаба ҳамиша кишини руҳлантиради. Мен ҳозир чиндан ҳам бахтиёрман.

**Санжар Жармаханов:**

— Бир йўла спортнинг икки тури — стол тенниси ва шашка ўйинларида биринчиликка эришдим. Бу мен учун шараф. Шу ўринда бир таклифим бор эди. Шундай мусобақалар тез-тез бўлиб турса, нималарга қодир эканлигимизни билиб олишга имкон яратиларди. Ким билади, орамиздан чемпионлар ҳам чиқар.

**Ойбек Қуранбоев:**

— Ёшим 12 да. Отам, онам ва мен оилавий мусобақаларда қатнашдик. Соғлом ота-она соғлом фарзандларни тарбиялайди, деган фикрнинг мағзига энди тушуниб етгандек бўлдим.

Мусобақа ғолиблари ташкилий қўмита томонидан таъсис этилган ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ғолиблар август ойида республика вилоятлари ўртасидаги мусобақаларда иштирок этадилар.

**Баҳром МУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Абу Мансур ал - Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига*

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилда улуғ аллома -- қалом илмининг асосчиларидан бири, мусулмон оламидаги энг йирик суннийлик мазҳаби мактабининг мотуридийлик оқими асосчиси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий (870-944) таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди.***

# ҲОДИР ТАЪЛИМОТ



Дину иймонимиз тарихи, бобокалонларимиз эътиқодини ўрганмай туриб, мамлакатимиз тарихини тўла ўзлаштира олмаймиз. Маълумки, сунний эътиқодидаги мусулмонлар орасида кенг тарқалган икки йирик калом оқимларидан бири ҳам Мотуридийга бориб тақалади.

Ушбу оқимнинг йўлбошчиларидан бири ал-Ашъарий бўлса, иккинчиси ал-Мотуридийдир. Абу ал-Ҳасан ал-Ашъарий (вафоти 935 йил) Имом Шофий ва Имом Маликий мазҳаблари орасида ўз мавқега эга шахс. У асосан, Хуросон ва унинг атрофидаги диёрларда фаолият кўрсатди. Ал-Мотуридий таълимоти эса Абу Ҳанифа мазҳаби орасида кенгроқ тарқалди. Унга эргашганлар Мовароуннаҳрда кўпчиликни ташкил этган.

Абу Мансур ал-Мотуридий тахминан 870 йилда дунёга келади. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. Лекин Абу Мансур ал-Мотуридийнинг Самарқандда вафот этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ал-Мотуридий илм ўчоғи бўлмиш Самарқанднинг ал-Аъйозий мадрасасида таълим олганлиги қайд этилади. Алломанинг устозлари машҳур олим Абу Ҳанифанинг (яъни Имом Аъзам; вафоти 767 йил) издошларидан таҳсил олишган. Улардан бизга маълум бўлганлари Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Наср ибн Йаҳйо ал-Балхий, Аҳмад ал-Ийодийдир. Бу фиқҳ ва калом олимларидан у кўп нарсани ўрганди. Шу билан бир қаторда Абу Мансур Балхда яшаган Муҳаммад ибн ал-Фазлни (вафоти 931-932 йил) ҳам устоз деб билган. Бу олим машҳур шайх Аҳмад ибн Хизруя (Хадрвайх) нинг (вафоти 854-855) шогирди бўлган. Ибн ал-Фадл Балхдан ҳайдалиб, Самарқандга келади. Бу ерда у нафақат Мотуридийга, балки Абул Қосим ибн Муҳаммад Самарқандийга ҳам ўз билимларини ўргатган. Абу Мансурнинг бу устози умрининг сўнгги йилларида Самарқандда қозилик қилади ва шу ерда вафот этади.

Ал-Мотуридий шогирдлари орасида ислом оламига машҳур алломалар Абул Ҳасан ар-Рустуғфаний (вафоти 961 йил), Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абул Карим ал-Паздавий (вафоти 999 йил), Абу Аҳмад ал-Ийодий каби олимлар бор эди. Шогирдлари ўз устозларини жуда ҳурмат қилишган, унинг таълимотини давом этиришганлиги туфайли мотуридийлик оқими вужудга келган. Бу оқим Имом Аъзам мазҳабидаги барча ал-Мотуридий тарафдорларини бирлаштирган.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг устозлари ва шогирдлари билан бир қаторда замондошлари, ҳамда ҳамфикрлари кўп. Улардан бири машҳур фиқҳ олими Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийдир. Бу олим Самарқандда туғилиб, бутун умрини шу ерда ўтказган ва ҳижрий 342 йил 10 муҳаррам ойида (28 май 953 йил) вафот этган. У илмга жуда қизиққан ва мадрасада мударрислик қилган. Унинг баён ва араб тилидан қилган таржималаридан кўпчилик талабалар ва аҳли Самарқанд баҳра олган.

Изланишлар натижасида шундай қизиқ маълумотларга дуч келдикки. Ал-Мотуридийнинг наслидан фиқҳ олимлари етишиб чиққан экан. Бу унинг авлодидан бўлмиш Абул Ҳасан Али ал-Мотуридийдир. Унинг тўлиқ номи Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аффон ибн Али ибн ал-Фадил ибн Закариё ибн Усмон ибн Холид ибн Зайд ибн Хулау ибн ал-Мотуридийдир. Бу зот алломага набира ҳисобланган. Самарқандда қозилик қилган ва 1117 йилда вафот этган. Машҳур одамлар дафн этиладиган Чокардиза мозорига кўмилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ал-Мотуридийнинг бир қанча қўлёзма асарлари сақланмоқда. Мутафаккир ўз асарларини ўша давр шарқ мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзган. Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган «Таъвилот аҳли ас-сунна» ёки унинг яна бир номи «Таъвилот ал-Қуръон» (Қуръон тафсири) бўлиб, бу асар 5126 рақамли жилд остида сақланади. Инвентар рақами 5127 қўлёзма эса охирги жилдидир. Ал-Мотуридий сунний ақидага кўра бу тафсирда қалам тебратишдан мақсад, «Аҳли ас-сунна ва ал-жамоа» таълимотига зид қарашларини рад қилишга ҳаракат қилади.

Мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридийнинг сақланиб қолган яна бир асарининг номи «Китоб ат-тавҳид» деб номланади. Ҳозирда у Англиядаги қўлёзма фондларнинг бирида сақланади. Шу нусха асосида Фатҳуллоҳ Хулайф бу асарни нашр эттирган. Ягона ҳисобланган бу нусха ҳақида кўпгина тадқиқотлар олиб борилган.

Хўш, мутакаллим ал-Мотуридий қандай таълимотни бизга мерос қилиб қолдирди?

Ал-Мотуридий эътиқодда Имом Аъзам таълимотига суянган. Абу Ҳанифа икки тур мерос қолдирган: 1) фиқҳга оид ишлар; 2) ақидавий таълимот. Ал-Мотуридий замон талабидан келиб чиқиб, бу таълимотни тараққий эттирди ва ислом фалсафасини ишлаб чиқди. Калом борасидаги ислоҳотларга тўхталсак, у ислом тарихида юзага келган барча мафкуравий қарашлардан фарқ қилади. У ўзининг таълимоти борасидаги кўпгина фикрларини «Китоб ат-тавҳид» асарида баён этган. Хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: «Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир».

Бу асар эътиқодий масалалар ҳамда фиқҳ қонунларига ҳам тегишлидир. Ушбу асарида аллома инсон тақдири Оллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, ҳар ким ўз хатти-ҳаракати учун жавобгардир, деган ғояни илгари суради.

Ал-Мотуридий таълимоти муътазилийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки ақл билан нақлни қўшиб фойдаланишни зарур, деб билади ва кўплаб фирқалар ўз фикрлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлар эдилар. Ал-Мотуридий унга чек қўйишда ва бу ўлкада ягона ақида тизими ўрнатилишида улкан ҳисса қўшди. У ақида борасидаги баҳсли мавзуларни ҳар бир фирқага далиллар асосида исботлаб берди. Бунинг натижасида турли хилдаги майда оқимлар кўпайишининг олди олинди.

Ал-Мотуридий ўз таълимоти анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта улуш қўшди. Илоҳиёт илмларининг тўла шаклланиб, такомилга етишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизим (система)га солишдек катта бир ишни амалга оширди ва бу таълимотнинг Ўрта Осиё халқлари урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқлигини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. У яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий оқимларидан бири сифатида танилди.

Шундай қилиб, мотуридийлик таълимоти Мовароуннаҳрда ва унга қўшни ерларда кенг тарқалган бўлиб, ўлка халқларининг ижтимоий-сиёсий, ғоявий-фалсафий, маънавий-маданий ҳаётларига ўз таъсирини кўрсатди. Ҳатто, ҳозирги кунга келиб бу таълимот ғарб ва шарқ олимлари томонидан жуда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Биз шундай машҳур аждодимиз бўлмиш ал-Мотуридий билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**Шовосил ЗИЁДОВ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.**

## ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ТАРИХИДАН

**Футбол.** Юм-юмалоқ тўп. У қанчадан-қанча ишқибозлар қалбини ларзага солмаган дейсиз.

Футбол ибтидоий шаклида қадим замонлардан бери мавжуд. Чунончи, Қадимги Римда футболга ўхшаш ўйин «Сферомагия» деб аталарди («Сфера» — шар демак).

XII асрга оид ғаройиб тарихий ҳужжатда эса шундай сўзларни ўқиш мумкин: «Англия қироли Эдуард II нинг қарорига кўра шуни маълум қиламизки, ушбу кундан эътиборан футбол ўйнаш тақиқланади ва фармойишга итоат этмаганлар қамоқ жазосига маҳкум қилинади».

Футбол 1900 йилдан бошлаб Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

**Қиличбозлик.** Қиличбозлик санъати қадим замонлардан бери маълум. Милоддан аввалги XII асрда Қадимги Миср фиръавни Рамзес III ливияликлар устидан қозонган ғалабаси шарафига қиличбозлик мусобақасини ўтказган.

Ҳозирги замон қиличбозлик мусобақалари уч тур — шамшир, рапира ва қилич бўйича ўтказилади. 1896 йилги Афина Олимпиадасидан бошлаб у олимпиаданинг асосий спорт турларидан бири бўлиб келмоқда.

**Югуриш.** Энг қадимий олимпия спорт турларидан бири бўлиб, илк бор 192 метр масофада ўтказилган. Ривоятларда айтилишича, бу масофани Гераклнинг ўзи оёқ кафтининг узунлиги билан белгилаб берган эмиш.

Биринчи Олимпиада ўйинларида югурувчилар стадион йўлкасида Зевс ибодатхонасигача бўлган масофани ўтишган ва ғолиб меҳробидаги алангани ёқиш шарафига муяссар бўлган.

Ҳозирда югуриш масофасининг бир неча тури мавжуд. Спринт — 100 ва 200 метр, ўртача 800 ва 1500 метр, стайер — 5000, 10.000 метр ва марафон югуриши 42 километр 195 метр.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**




## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

"Динамо" кортларида ўтаётган "Тошкент опен 2000" халқаро аёллар теннис турнирининг дастлабки ғолибалари аниқланди.

Қизғин беллашувларда курашни давом эттириш ҳуқуқини италиялик Жулия Касонини икки сетда мағлуб этган Франческа Любиани, жанубий кореялик Енг Хи Ким устидан ғалаба қозонган россиялик Екатерина Сисоева, россиялик Анастасия Радионовани мағлуб этган франциялик Сара Питковски кўлга киритди.

- Гўзал шаҳрингизга биринчи бор келишим. Бунгача меҳмондўст халқи билан жаҳонга машҳур ажойиб мамлакатингиз ҳақида унча кўп билмасдим, - деди франциялик теннисчи Сара Питковски матбуот анжуманида. - Қисқа вақтда жаҳонга танилган мартабали Тошкент турнирида иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Чунки бу турнирда ҳамюртингиз Ирода Тўлаганова ва исроиллик Анна Смашнова каби дунёга машҳур спортчилар иштирок этишяпти.

*Футбол*

# ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ - ҲУЖУМ

Кўнглимиз сезган экан. Ёдингизда бўлса, биз олдинги шарҳимизда ўзимизча мушоҳадага берилиб, «Самарқанд-Динамо» ва «Дўстлик» жамоалари ўртасида бўлиб ўтадиган учрашув нега ТВ орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилмайди, деган саволни ўртага ташлаган эдик. Ҳойнаҳой ўйин натижасини билган футбол шинавандалари ҳам «аттанг» деб қолган бўлсалар ажаб эмас.

Чунки мамлакат чемпиони ва бу йилги мавсумда ҳам чиройли ўйинлар намойиш этиб, турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган «Дўстлик»нинг Зарафшон воҳасига ташрифи кутилганидек ғоят драматик ҳолатларга бой бўлди. Меҳмонларнинг майдон эгалари дарвозасини уч марта аниқ мўлжалга олганликларидек, бу жамоа ҳужум салоҳияти нақадар кенг имкониятларга эга эканлигини яна бир карра тасдиқлади. Афсуски...

Карвонбоши шу кунгача ўз дарвозасидан ўн тўртта тўп ўтказиб юборган эди. 17 ўйинда 14 тўп! Бу чиндан ҳам чемпионга хос кўрсаткич. Аммо Самарқандда «Дўстлик» ҳимоя чизиғи чок-чокидан сўкилиб кетди, десак асло муболаға бўлмайди. Ҳар қалай мамлакатимизнинг энг истиқболли футболчилари жамул-жам бўлган команданинг бир учрашувда олти марта (!) ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлиши кишини жиддий ташвишга солади.

Шу куни ҳаракат қилган «чарм тўп» усталарининг аксарияти миллий терма жамоасининг ишонган ўйинчилари эканлиги учун ҳам шундай мулоҳазалар билдирмоқдамиз.

Лекин барибир бир нарсадан қувонишимиз керак. Бу йилги чемпионатимизда ҳужумкорликка зўр берилаётир. Футбол эса гол билан гўзал, бу ҳам мухлисларни, ҳам майдонда тўп сураётган ўйинчиларни руҳлантиради. Қолаверса, футболда машҳур бир гап бор: энг яхши ҳимоя, бу ҳужум. Чамаси, Самарқандда кечган учрашувда футболчилар шунга ва фақат шунгагина риоя қилишган кўринади. Акс ҳолда, ҳимоячилар бу қадар уятли ҳолатга тушиб қолмас эдилар.

Қиёслаш учун шу кеча-кундузда кечаётган Европа кубоги баҳсларига бир назар ташласак-а. Мисол учун Бельгия ва Италия ўртасидаги ўйинни эсланг. Тўқсон дақиқадан иборат учрашувнинг, айтиш мумкинки, учдан икки қисмида тўп майдон эгаларида бўлгани ҳолда, италияликлар ўз дарвозалари даҳлсизлигини сақлаб қола билдилар. Боз устига қарши ҳужумлардан иккитасини самарали якунлаб, ушбу ғалабадан сўнг швецияликлар билан бўладиган ўйин натижасидан қатъи назар чорак финалга йўлланма олдилар. Бу ҳам биз учун ўзига хос бир сабоқ.

Чемпионатимизнинг бошқа учрашувлари ҳам анчайин қизғин ўтди. Хусусан, номдор жамоаларимиз «Навбаҳор» ва «Нефтчи» ўз жамғармалари ҳисобига яна учтадан очко ёзиб қўйдилар. Уларга қарши меҳмонда майдонга тушган «Хоразм» ҳамда «Сўғдиёна» бир хил - 3:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. «Андижон» эса «Гулистон»ни қабул қилиб, ишончли ғалаба қозонди - 5:1.

Яна икки ўйинда мухлислар «тўплар ёмғири»дан баҳраманд бўлишди. «Пахтакор» жамоасини қабул қилган «Бухоро» меҳмонларнинг шиддатли ҳужумига янада кескинроқ ҳужум билан жавоб қилиб, охир оқибатда 4:3 ҳисобида зафар қучди. Худди шундай ҳисоб «Насаф» ва «Металлург» жамоалари ўртасида кечган учрашувда ҳам қайд этилди.

Энди қолган ўйинлар натижаси билан танишинг: «Темирйўлчи»-«Турон» - 1:1, «Зарафшон» - «Кимёгар»-0:0, «Қизилқум»-«Семурғ»- 0:0, «Сурхон»-«Трактор» - 2:0

Биринчи давранинг сўнгги тури 18 июнга мўлжалланган. Айтиш лозимки, у чинакам маънода қўшнилар баҳси бўлади: «Семурғ»-«Пахтакор», «Қизилқум»-«Бухоро», «Сурхон»-«Насаф», «Турон»-«Хоразм»...

Бу ўйинларнинг биронтаси мухлисларни бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Кўрамиз, кимларга омад кулиб боқаркин?..

**З.РИХСИЕВ.**

## 18-ТУРДАН КЕЙИН ТУРНИР ЖАДВАЛИ

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Дўстлик» | 18 | 14 | 2 | 2 | 49-20 | 44 |
| 2. «Самарқанд» | 18 | 13 | 1 | 4 | 42-21 | 40 |
| 3. «Насаф» | 18 | 11 | 5 | 2 | 35-19 | 38 |
| 4. «Нефтчи» | 18 | 10 | 6 | 2 | 32-16 | 36 |
| 5. «Навбаҳор» | 18 | 10 | 5 | 3 | 40-19 | 35 |
| 6. «Сурхон» | 18 | 9 | 4 | 5 | 31-25 | 31 |
| 7. «Семурғ» | 18 | 9 | 3 | 6 | 33-23 | 30 |
| 8. «Бухоро» | 18 | 8 | 3 | 7 | 19-21 | 27 |
| 9. «Андижон» | 18 | 6 | 7 | 5 | 31-24 | 25 |
| 10. «Зарафшон» | 18 | 6 | 4 | 8 | 16-29 | 22 |
| 11. «Трактор» | 18 | 6 | 3 | 9 | 20-21 | 21 |
| 12. «Пахтакор» | 18 | 6 | 3 | 9 | 26-30 | 21 |
| 13. «Қизилқум» | 18 | 5 | 6 | 7 | 16-24 | 21 |
| 14. «Металлург» | 18 | 5 | 5 | 8 | 17-23 | 20 |
| 15. «Сўғдиёна» | 18 | 5 | 4 | 9 | 16-28 | 19 |
| 16. «Гулистон» | 18 | 5 | 2 | 11 | 24-34 | 17 |
| 17. «Кимёгар» | 18 | 3 | 7 | 8 | 14-27 | 16 |
| 18. «Хоразм» | 18 | 3 | 5 | 10 | 14-25 | 14 |
| 19. «Темирйўлчи» | 18 | 3 | 4 | 11 | 21-35 | 13 |
| 20. «Турон» | 18 | 1 | 5 | 12 | 14-42 | 8 |

## НОГИРОНЛАР ЎРТАСИДА МУСОБАҚА

Ғаллаорол туман ногиронлар жамияти ногиронлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказишга эътиборни қаратиб келмоқда. Яқинда туман марказида шахмат-шашка бўйича ана шундай беллашув бўлиб ўтди. Унда ўнлаб кишилар куч синашди. Мусобақада 1-гуруҳ ногирони Иброҳим Қушбақов фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Шашка бўйича ўтказилган беллашувда Ойбаҳор Ҳаққуловага биринчи ўрин насиб этди. Ҳар иккала ғолиб жамиятнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**А. ЭРГАШЕВ.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 22.45

Буюртма Г— 524. 1 2 3 4 5 6